

Бу сарлавхамиз зохирда жуда тааж жублик кўрунса хам, лекин хакикати холни билиб олгондан кейин кизикишга унча ўрун колмайдур.

Агар сиз бир кунлик, бир соатлик бойбаччаларни кўрмакчи бўлсангиз, у ёкка-бу ёкка карамай тўп-тўгри Тупроккўргонга чикингиз. Бунда суннати Худони томоша киларсиз. Тупроккўргон чорбогида хар кун ким канча мусулмон бандалари бой ва ким канчалари гадой бўладирлар. Буларни шундай тез ўзгаришлик холга солгувчи сабил колгур «гир-гирак» ўйундир. Илгариги вақтларда бундай ўйунлар ёлгиз хайит кунлари бўлур эди. Энди шахримизнинг обод бўлишига ва ўзимизнинг соат сайин тараккий килишимизга катта бир мисол бўла олатургон бу ўйун Худонинг берган кунида ўйналадир.

Бу жойга хар вақт кўзингиз тушса, бир неча мусулмон бандаи Худонинг «гиргирак»чиларга ўхшаш «эй Худо, шарманда килма!» деб кўкракларига «дардкам» ургонларини кўруб, шодликдан кўйлакингизга сигмай бошлайсиз. Киморбозликдан бойбачча бўлуб, кундузлари ресторанларда ичиб юргон ва кечалари канахоналарда учиб ётконларнинг хадду хисоби йўқдир. Якинда шундай кайфлик бир бойваччанинг кўчада саёхат киламан деб, ўзининг устига истирохат килгонини кўриб кахкахадан ичакларимиз узилди.

Шу давлат бизга етмасми, Мухаммад умматидирмиз...

*Шумшук,*

*«Машраб», 1925 йил, 18-сон*